## ИЛҒОР ТАЖРИБА МИНБАРИ

# ЗАФАРЛИ ЙИЛЛАР

**Бекобод районидаги Ленин номли колхоз — пойтахт областининг илғор хўжаликларидан бири. Бу ерда пахта ва бошқа экинлардан йил сайин мўл ҳосил олинмоқда. Чорвачилик маҳсулотлари етиштириш тобора кўпаймоқда. Колхоз аъзолари КПСС XXVI съезди қарорларини амалга ошириш, ўнинчи беш йиллик план топшириқларини тўла-тўкис бажариш учун собитқадамлик билан кураш олиб бормоқдалар. Улар дон, пахта, гўшт, сут ва бошқа маҳсулотлар етиштириш ҳамда давлатга сотиш юзасидан белгиланган беш йиллик планларни муддатидан олдин анча ошириб адо этдилар. Хўжалик коллективи КПСС Марказий Комитетининг 1980 йил июнь Пленуми қарорларини зўр кўтаринки руҳ билан қарши олди, уни ўзининг жанговар иш программаси деб қабул қилди. Колхоз аъзолари бу йил пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириб ўнинчи беш йилликнинг сўнгги босқичини муваффақиятли якунлаш ҳамда ўн биринчи беш йилликка дадил қадам қўйиш, партиямизнинг навбатдаги XXVI съездини муносиб кутиб олиш мақсадида ташаббус кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар. Колхоз правлениесининг раиси Ҳайдар Ҳамроқуловнинг қуйидаги мақоласида шулар ҳақида ҳикоя қилинади.**

Барча совет деҳқонлари қатори колхозимиз меҳнаткашлари ҳам КПСС Марказий Комитетининг 1980 йил июнь Пленуми қарорларини, партиямизнинг навбатдаги XXVI съездини чақириш ҳақидаги хабарни шоду хуррамлик билан кутиб олдилар. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Леонид Ильич Брежнев Пленумда қилган докладида қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари КПСС XXV съезди қарорларини амалга ошириш учун олиб бораётган курашга ва қўлга киритаётган муваффақиятларга юксак баҳо берди. Мамлакатимизда дон, пахта, гўшт, сут ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ҳамда харид қилишни кўпайтириш юзасидан ўнинчи беш йиллик план топшириқларини бажариш соҳасида ўтган тўрт йилда яхши натижаларга эришилганлигини таъкидлади.

Ана шу ютуқларда колхозимиз аъзоларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Хўжалигимиз партия XXV съезди қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини жадал ривожлантириш юзасидан белгилаган йўлдан дадил бормоқда. Беш йилликнинг ўтган даврида экинларнинг ҳосилдорлиги, чорва молларнинг маҳсулдорлиги беқиёс ошди. Етиштирилган дон, пахта, гўшт, сут ва бошқа маҳсулотларнинг миқдори кўпайди.

Буни исботлаш учун айрим рақамларни келтираман. Даставвал шуни айтиш керакки, ишлаб чиқаришнинг етакчи тармоғи бўлган пахтачилик, айниқса, илдам суръатлар билан ривожланди. Ҳар гектар ернинг ҳосилдорлиги, пахтанинг ялпи ҳажми тўққизинчи беш йилликдагига нисбатан анча кўпайди. Масалан, **ўтган беш йилликда ҳар гектар ердан йилига ўрта ҳисобда 29,8 центнердан ҳосил олинганди, 6152 тоннадан пахта етиштирилган эди. Ўнинчи беш йилликнинг ўтган даврида ўртача йиллик ҳосилдорлик 35,1 центнерни, ялпи ҳосил эса 7061 тоннани ташкил этди. Беш йилликнинг ўтган даврида ҳар йили етиштирилган пахтанинг ялпи ҳажми минг тоннадан зиёд ошди.** Шундай қилиб, **беш йиллик план тўрт йилдаёқ анча ошириб адо этилди. Давлатга беш йиллик планда белгиланганидан ташқари 452 тонна «оқ олтин» сотилди.**

Шунингдек, дон, пилла, сабзавот, гўшт, сут, тухум ва бошқа маҳсулотлар етиштириш ҳамда давлатга сотиш юзасидан белгиланган беш йиллик планлар ҳам муддатидан илгари ошириб бажарилди. Ўтган тўрт йилда беш йиллик планда белгиланганига қўшимча равишда 3745 тонна дон, 1857 тонна сут, 68 тонна гўшт ва кўп миқдорда бошқа маҳсулотлар етиштирилди.

Бунга суғориладиган ерлар, техника ва ишчи кучидан, минерал ҳамда маҳаллий ўғитлардан самарали фойдаланиш орқали эришиляпти. Деҳқончилик соҳасида алмашлаб экиш кенг жорий этилгани ва ўзлаштирилгани, дала ишларини комплекс механизациялаш асосида деҳқончилик маданияти оширилгани, чорвачилик соҳасида эса наслчилик иши яхшилангани ва мустаҳкам озуқа базаси вужудга келтирилгани ҳам муҳим роль ўйнамоқда. Шу йўл билан тупроқнинг унумдорлигини, бинобарин, экинларнинг ҳосилдорлигини оширишга эришилмоқда.

Ўтган йили икки минг гектар майдоннинг ҳар гектаридан 32,5 центнердан пахта олинди. Ялпи ҳосилнинг 85 проценти машиналар билан терилди. Беш йилликнинг дастлабки босқичидагига нисбатан қорамоллар, шу жумладан, сигирлар сони яна бир ярим баравар ўсди. Бу даврда ҳар бир сигирдан олинган сутнинг миқдори минг килограммдан кўпайди.

Алмашлаб экишга келганда эса шуни айтиш керакки, бизда ўн далали схема жорий этилган. Ҳар йили саккиз далага пахта, икки далага беда, маккажўхори ва алмашлаб экишга киритилган бошқа экинлар экилади. Бошқача қилиб айтганда, ҳар йили шундан олдинги йили пахта экилган икки дала, яъни 400 гектар ерга беда, ғалла, маккажўхори, сабзавот ва полиз экинлари, хашаки лавлаги, судан ўти экилади. Ўтган йили ана шу экинлар етиштирилган шунча майдонга, шу жумладан, 100—120 гектар уч йиллик бедапояни ҳайдаб, ўрнига чигит экилади. Шундай қилиб, пахта майдонлари ҳар беш йилда бир марта тўла алмаштириляпти. Ҳозир барча пахта майдони бошқа экинлар билан бир марта алмаштириб чиқилди ва алмашлаб экишнинг иккинчи давраси давом этяпти.

Бу пахтанинг ҳосилдорлигини ошириш ва етиштирилаётган пахтанинг ялпи ҳажмини тобора кўпайтириш билан бир қаторда, мўл-кўл озуқага эга бўлиш, чорва молларни яхшироқ боқиш ва гўшт, сут етиштиришни мунтасил кўпайтириш имконини беряпти. Беш йилликнинг ўтган даврида ем-хашак етиштириш бир ярим баравар кўпайди, чорвачиликнинг озуқа базаси мустаҳкамланди. Ўтган йили ҳар гектар ердан 200 центнердан беда пичани, 500 центнердан силосбоп кўкпоя олинди. Бошқа озуқа экинларининг ҳосили ҳам мўл бўлди.

Шу муносабат билан пахта, гўшт, сут, тухум етиштириш ўтган йили 1978 йилдагига ва бу йилнинг биринчи ярмида ўтган йилнинг шу давридагига қараганда қанча кўпайганлигини айтмоқчиман. Ўтган йили пахтанинг ҳосилдорлиги шундан олдинги йилдагига нисбатан гектар бошига 3,5 центнер, ялпи ҳажми эса 686 тонна, етиштирилган гўштнинг миқдори 52 тоннадан зиёд, сут — қарийб 100 тонна ва тухум — 56 минг донадан ортиқ кўпайди. Бу йил пахтакорларимиз ҳар гектар ердан 40 центнердан ҳосил олиш ва давлатга 8 минг тонна «оқ олтин» сотиш, механизаторларимиз эса ялпи ҳосилнинг 90 процентини машиналар билан териш ҳақида ваъда беришган. Адолат Рўзматова, Турсунбой Рўзиев, Ҳошим Раззоқов, Жўрабой Олланазаров каби уста пахтакорлар бошлиқ бригадаларда гектаридан 50—60 центнердан ҳосил етиштириш, пахтани асосан машиналар билан териб олиш назарда тутиляпти.

Пахтакорларимиз ва механизаторларимиз ваъдаларига вафо қилиш мақсадида ғўзани меҳр билан парвариш қилмоқдалар. Ҳозир барча майдондаги экин етти марта сифатли культивация қилинди, беш марта кетмон чопиғи ўтказилди, тўрт марта қондириб суғорилди, уч марта озиқлантирилди. Шу кунларда ғўза парваришида минг киши фаол қатнашяпти. 47 та культиватор унумли ишлаб турибди. Икки юз киши ғўзани сувга қондиряпти. Бу соҳада ҳар куни саккиз гектардан ортиқ майдондаги ғўзани культивация қилаётган, суғориш эгатлари олиб бераётган ва экинни озиқлантираётган Исмоил Маъруфов, Оқмирза Сатторов, Абдумавлон Ҳошимов, Суюнбой Турсунбоев сингари моҳир механизаторлар, бир ярим-икки гектар майдондаги экинга сув тараётган Асқарали Каримбердиев, Мели Норбоев, Абдумўмин Жўраев сингари уста сувчилар ибрат кўрсатишяпти.

Ғўза серҳосил бўлиб ўсяпти. 1700 гектар майдондаги ғўзанинг ҳар тупида 5—6 тадан, қолган қисмида эса 3—4 тадан бўлиқ кўсак ҳосил қилинди. Ҳар гектар ерда ўрта ҳисобда 130 минг туп ниҳол бор.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг 1980 йил ҳосилини йиғиб-териб олиш ва тайёрлашга ҳозирлик кўриш ҳақидаги қарорига жавобан пахтакорларимиз ғўза парваришини терим бошлангунга қадар сусайтирмай давом эттириш ва ҳар туп ғўзадаги кўсаклар сонини 10—12 тага етказишга қарор қилишди. Ғўзалар чеканкабоп бўлиб қолди. Чеканкани вақтида сифатли қилиб ўтказамиз. Бу кўсаклар сонини кўпайтириш билан бирга, ғўзани машинабоп қилиб ўстиришда ҳам муҳим роль ўйнайди.

Деҳқонларимиз ғўза парваришини намунали давом эттириш билан бир қаторда, ҳосил йиғим-теримига ҳам пухта тайёргарлик кўрмоқдалар. Мавжуд 44 та терим машинаси, тележкалар, транспорт тракторлари, механик-подборщиклар, погрузчиклар, хирмон жойлар, тош-тарозилар, йўл ва кўприклар ремонт қилиниб, тахт қилиб қўйилди. Бу йил 50 та терим агрегати икки сменада ишлатилади. Колхоздаги ўқув-ишлаб чиқариш комбинатида янгидан 28 механик-ҳайдовчи тайёрланди ва уларнинг сони юз кишига етказилди.

Биз бу йил теримни барвақт бошлаймиз ва уни ипатоволиклар методи асосида уюшқоқлик билан ўтказамиз. Пахта тайёрлаш йиллик планини октябрь ойининг бошида, юксак мажбуриятимизни эса октябрь ойи ичида тўла бажарамиз.

Чорвадорларимиз ҳам юксак маррани кўзлаб меҳнат қилишяпти. Улар бу йил гўшт, сут ва тухум етиштиришни ўтган йилгига нисбатан 20—30 процент кўпайтиришни мўлжаллашмоқда. Шу йилнинг олти ойида гўшт етиштириш 1979 йилнинг шу давридагига нисбатан 54 процент кўпайди. Сут ва тухум етиштиришни кўпайтириш соҳасида ҳам ана шундай яхши натижаларга эришилди. Давлатга ўтган йилдагига нисбатан 36 тонна кўп гўшт, 18 тонна кўп сут, етти минг дона кўп тухум сотилди. Мукаррам Ғозибоева, Жамила Холиқова, Маъфират Сатторова каби илғор сигир соғувчилар ўзларига биркитиб қўйилган ҳар бир сигирдан ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 600—800 килограмм кўп сут соғиб олиб, чорвадорлар маҳсулот етиштиришни кўпайтириш учун олиб борган курашга муносиб ҳисса қўшдилар.

Шуни айтиш керакки, маҳсулотнинг миқдори кўпайиб, унинг таннархи арзонлашгани туфайли эндиликда чорвачилик ҳам фойда келтирадиган тармоққа айланди. Масалан, ўтган йили чорвачиликдан қарийб бир миллион сўм даромад, шу жумладан икки юз минг сўмга яқин соф фойда олинди. Колхознинг ялпи даромади эса 3 миллион 200 минг сўмни, соф фойда салкам 600 минг сўмни ташкил этди. Колхозчиларнинг ўртача йиллик даромади 2100 сўмга етди.

Колхозимиз аъзолари ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилини барча соҳаларда муваффақиятли якунлайдилар ва партиямизнинг навбатдаги съездини ёруғ юз билан кутиб оладилар.

**Ҳ. ҲАМРОҚУЛОВ,**
**Бекобод районидаги Ленин номли колхоз раиси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати.**

## ЖОНАЖОН ВАТАН БЎЙЛАБ





**Челябинскдаги махсус пўлат қопламалар заводи саноат объектлари қурилишини жадаллаштиришда қўл келувчи янги қисмлар ишлаб чиқармоқда. Уч қаватли, минерал плитали бундай панеллар ўзининг пишиқ-пухталиги ва чидамлилиги билан алоҳида ажралиб туради. Суратда: янги бинокорлик маҳсулотини ишлаб чиқаришда актив қатнашган илғор қурувчи С. Фёдоров иш устида.**

**Ленинградда қудратли саноатимизнинг кўпгина тармоқлари мавжуд. Улкан шаҳарда эндиликда улуғ Ленин орзу қилган минглаб тракторлар, дастгоҳлар, кўтарма кранлар, кончилик транспорти турлари, электроника асбоблари ва аниқ приборлар пешма-пеш ишлаб чиқарилмоқда.**

**Суратда: мамлакатда йирик машинасозлик корхоналаридан бири — С. М. Киров номли «Электросила» ишлаб чиқариш бирлашмаси цехларидан бири.**

(ТАСС фотохроникаси).

### ТОШКЕНТ РАЙОНИ ЧОРВАДОРЛАРИ ТАШАББУСИ ИЗИДАН

# ЯНГИ МАРРАЛАРНИ КЎЗЛАБ

Тошкент районн меҳнаткашларининг чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотиш юзасидан ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш, КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съездини муносиб кутиб олиш борасидаги ватанпарварлик ташаббусига қўшилган Янгийўл районидаги машъал «Коммунизм» колхози чорвадорлари улкан марраларни кўзлаб меҳнат қилмоқдалар.

Колхоз чорвадорлари якунловчи йилда давлатга 9480 центнер сут, 650 центнер гўшт, 67 минг дона тухум етказиб бериш учун курашиб, қувончли ютуқларга эришяптилар. Давлатга 901 центнер гўшт етказиб берилиб, бу борадаги йиллик халқ хўжалик плани 178 процентга бажарилди. Хўжалик паррандабоқарлари муваффақияти ҳам чакки эмас. Улар қабул пунктига 112,5 минг дона тухум топшириб, йиллик планни 168 процент бажаришди.

«Оқ чашма» ижодкорлари ҳар бир сигирдан 2500 килограмм ўрнига 4800 килограммдан сут соғиб олишга аҳд қилишган эди. Улар Тошкент районидаги ҳамкасблари ташаббусига қўшилиб, бу кўрсаткични 5000 килограммга етказишга аҳд қилишди. Сут сотиш плани август ойидаёқ бажарилади. Ҳозиргача ҳар бир сигирдан 2500 килограммдан зиёд сут соғиб олинди. Бу ўтган йилнинг шу давридагидан 109 килограмм кўпдир.

Хўжалик чорвадорлари ҳузурида бўлсангиз юксак марранн эгаллаш учун ҳамма бир жон, бир тан бўлиб фидокорона меҳнат қилаётганининг гувоҳи бўласиз. КПСС Марказий Комитетининг «КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа ўтказиш тўғрисида»ги қарори асосида бу ерда ўзаро мусобақа намунали йўлга қўйилган. Илғорлар ўз вақтида моддий ва маънавий рағбатлантирилаётир. Гулсара Жалолова, Қорасоч Чинжигитова, Анор Тожиева, Кўчқор Тўйчиев, Жамила Асхўжаева сингари «оқ чашма» ижодкорлари социалистик мусобақада пешқадамлик қилишаётир. Ҳар бир сигирдан йилнинг биринчи ярмида 2800—3600 килограммдан серқаймоқ сут соғиб олган пешқадамлар йил охиригача бу кўрсаткични 5500—6000 килограммга етказишга шайланишган.

«Коммунизм» колхози меҳнаткашлари чорвачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлашга доимо алоҳида эътибор бермоқдалар. Хўжаликда ем-хашак етиштирувчи махсус бригада ташкил этилган. Унга коммунист Мурод Юсупов бошчилик қилади. Бригада ҳозиргача пландаги 1912 тонна ўрнига 2320 тонна сенаж тайёрлади. Шунингдек 1200 тонна беда пичани, 1080 тонна хашаки лавлаги, 6800 тонна силос тайёрлаш учун кураш кетмоқда. КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди шарафига социалистик мусобақани тобора авж олдираётган колхоз чорвадорлари ўз зиммаларидаги юксак мажбуриятларини, албатта, шараф билан бажарадилар.

**Т. ТЎҚЛИБОЕВ.**

## МАККАЖЎХОРИ ЎРИМИ БОШЛАНДИ

Нишон районидаги Карл Маркс номли совхознинг Жўра Қурбонов бошлиқ комсомол-ёшлар бригадасида маккажўхори ўрими бошланди. «Дала маликаси»ни парвариш қилиш даврида социалистик мусобақа ғолиби бўлган механизатор Эшим Қурбонов ўз комбайнини биринчи бўлиб далага чиқарди. Қурбонов агрегати кетидан яна икки «Херсонец» бригада далаларига йўл олди. Бу уч комбайн ихтиёрига 12 тележка биркитиб қўйилди.

Бригадада маккажўхори ўрим-йиғимини 4 иш кунида тугатиш мўлжалланмоқда. Маккажўхорикорлар мавжуд 56 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 120 центнердан «каҳрабо дон» ва кўплаб кўкпоя йиғиштириб олишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйишган. Ҳосили ўриб йиғиб олинган майдонларга силос учун такрорий маккажўхори экилади.

**О. ЎЛЖАЕВ.**

## МАШИНАЛАР ШАЙ

**Ғалаба районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг механизаторлари пахта териш машиналарини ремонт қилишни муддатидан илгари тамомладилар. Юзта «зангори кема», кўрак терадиган 27 та машина, 54 та подборщик ва 380 трактор прицепи ишга шайлаб қўйилди. Комиссия пахта териш машиналарини юқори баҳо билан қабул қилди. Пахта териш машиналарининг ҳаммаси икки сменада ишлаш учун механизаторлар билан таъминланди.**

**Бу йил совхоз деҳқонлари ҳосилнинг 95 процентини машиналар билан теришга қарор қилдилар. Бу эса ўтган йилдагидан 8 процент кўп.**

# ПЛАНЕТАМИЗДА

## БУЮК СПОРТ ВОҚЕАСИ

ПАРИЖ. Москвада ўтказилган ёзги Олимпиада ўйинлари жаҳон аҳамиятига молик буюк спорт воқеаси бўлди, спортнинг ҳамма турида жуда катта ютуқлар келтирди, деб ёзади «Юманите» газетаси. «Москва Олимпиадаси, — деб таъкидлайди газета — порлоқ спорт ютуқларининг чинакам улуғвор намойиши билан тугади».

Олимпиадада, деб ёзади «Матэн» газетаси, енгил атлетика «спорт маликаси» эканлиги исботланди. Олимпиаданинг сўнгги кунлари «улуғвор спорт ютуқларининг порлоқ туркуми» билан нишонланди.

«Европа-1» радиостанциясининг махсус мухбири «Москвадаги ўйинлар ниҳоятда зўр ташкил этилганлигини» уқтиради. Спорт обзорчилари француз спортчилари ўз медалларини ғоят қизғин ўтган ҳалол, қаттиқ курашда қўлга киритганликларини, баъзи бир мамлакатларнинг спортчилари қатнашмаганлиги бу курашга амалда таъсир қилмаганлигини қайд этадилар.

Парижда чиқадиган «Монд» газетаси «XXII Олимпиада ўйинлари бенуқсон ташкил этилди», — деб баҳо беради.

ЛОНДОН. Москвадаги Олимпиада мусобақаларида қатнашиб бўлиб, уйларига қайтиб келган Британия спортчиларининг биринчи группаси ўйинларга кўрилган тайёргарликка, унинг ташкил этилиши ва ўтказилишига ҳамда совет кишиларининг меҳмондўстлигига юксак баҳо берди. Шу муносабат билан «Олимпиада-80»нинг олтин совриндори сузувчи Данкен Гудхью айтдики, «бу — менинг иштирок этишимга тўғри келган Олимпиада ўйинларидан энг яхшиси бўлди, русларнинг дилнавозлиги бундан ортиқ бўлиши мумкин эмас». Британия олимпиадачилари шу ўйинларда ҳар қачонгидан кўра муваффақиятли қатнашиб, ўз мамлакати учун кўп медалларни қўлга киритдилар. Уларнинг номлари миллионлаб инглизларга маълум бўлиб қолди, газеталарнинг биринчи саҳифаларида уларнинг портретларини кўриш ҳамда радио ва телевидение орқали суҳбатларини эшитиш мумкин.

РИМ. Италия миллий Олимпиада комитетининг президенти Франко Карраро қуйидагиларни айтди: Москвадаги мусобақалар ғоят юксак даражада ўтди, у жуда зўр ташкил этилган бўлиб, Олимпиада мусобақаларининг техникавий даражаси ниҳоятда юқори бўлди. Олимпиадани барбод этиш йўлидаги уринишлар муваффақиятсизликка учради. «Москвага келмаган кишилар хато қилдилар, мен уларга ачинаман, чунки улар сиёсатдонлар чиқарган қарорларнинг қурбонлари бўлдилар». (ТАСС).

## ХИРОСИМА БОНГИ

### БИЗНИНГ ШАРҲ

1945 йил 6 ва 9 августида Америка ҳарбий-ҳаво кучларининг самолётлари Японияниинг Хиросима ва Нагасаки шаҳарларига атом бомбаларини ташлаб, уларни ер билан яксон қилган эди. Ядро бомбалари портлаши алангаларида 300 мингга яқин киши, асосан хотин-қизлар, кексалар ва ёш-яланглар ҳалок бўлишди. Тасодифга кўра атом ажалидан омон қолган қарийб 400 минг япониялик эса нурланиш касалига йўлиқди ва бир умр азоб-уқубатда қолди. Инсоният тарихидаги ана шу энг даҳшатли фалокат рўй берганидан буён орадан 35 йил ўтди. Лекин атом ажали мамлакат аҳолисининг ҳамон ёстиғини қуритмоқда. Ҳар йили Японияда радиактив нурланиш касалидан юзлаб киши ҳалок бўлмоқда. 1947—1976 йиллар мобайнида нурланиш дардидан 90 мингга яқин япониялик ҳалок бўлди. 360 минг киши ҳозиргача ана шу бедаво дарддан азоб чекмоқда.

Хиросима ва Нагасакининг фожиали тақдири милитаризмга хизмат қилаётган атом бомбаси инсоният учун ғоят хатарли эканлигини бутун жаҳонга намойиш этди. Шу сабабли японияликлар: «Бу фожиа такрорланмаслиги керак» деб даъват қилмоқдалар. Бу сўзларни бугун ўтаётган ядро қуролини тақиқлаш халқаро кураш кунида Ер юзидаги барча тинчликсевар кучлар қатъий такрорламоқдалар.

Дарҳақиқат, жаҳонда ядро аслаҳахоналарининг кўпайтирилаётгани тинчликка, айниқса, катта хавф солмоқда. Ер юзидаги жами ядро қуроли запаси агар ҳисоблаб чиқилса, унда жуда даҳшатли рақам ҳосил бўлади. Ҳисоб-китобларга кўра, планетамизда ҳар бири Хиросимага ташланган атом бомбасига тенг бўлган 1 миллиондан ортиқ атом бомбаси тўпланган. Бир миллион ажал бомбаси! Фақат биргина бомбанинг портлаши одамлар учун нақадар қимматга тушганлиги, унинг қандай фожиаларга олиб келганлиги барчага маълум.

Япон халқи ўз бошига тушган аянчли қисматни асло унутгани йўқ. Хиросима ва Нагасаки шаҳарлари ўрнида пайдо бўлган култепалар унга ядро қуроли келтирувчи фалокатни ва азоб-уқубатни доимо эслатиб туради. Август ойининг биринчи ўн кунлигида анъанага мувофиқ Хиросима ва Нагасакида ядро қуролини тақиқлаш учун кураш шиори остида халқаро конференция ўтмоқда.

Совет Иттифоқининг ана шу йўлдаги курашда биринчи сафда бораётганлигини жаҳон халқи яхши билади. Ўзининг принципиал тинчлик сиёсатига содиқ бўлган Совет давлати урушдан кейинги даврда ядро қуролини давлатларнинг аслаҳахонасидан тамомила чиқариб ташлашни таклиф этди.

Совет Иттифоқи ҳамда социалистик ҳамдўстликдаги бошқа давлатларнинг ядровий қуролсизланиш учун собитқадам ва астойдил кураши ядро хавфини камайтириш мақсадида бир қанча йирик ишларни амалга оширишга имконини берди. Масалан, уч муҳитда ядро синовларини тақиқлаш, ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисида шартномалар ва бошқа халқаро ҳужжатлар тузилди. Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Сиёсий маслаҳат комитетининг яқинда Варшавада бўлиб ўтган кенгашининг якунлари халқаро майдонда катта қизиқиш уйғотди. Янги ташаббус билан чиққан социалистик давлатлар Европада хавфсизликни мустаҳкамлаш ва ҳамкорликни ривожлантириш, ялпи тинчлик ва халқларнинг озодлиги ҳамда мустақиллиги учун, халқаро кескинликни юмшатиш, қуролланиш пойгасини тўхтатиш ва қуролсизланиш учун курашни давом эттиришга қатъий аҳд қилганликларини тасдиқладилар. Бироқ империалистик ва гегемонистик кучлар қуролланиш пойгасини авж олдиришга интилмоқдалар, можароли вазиятларни вужудга келтирмоқдалар. Бу эса ҳарбий хавф-хатарнинг кучайишига олиб келмоқда. Ғарбнинг милитаристик доиралари ядро билан қуролланиш пойгасини кучайтириш йўлини тутмоқда. Кейинги ўн йил мобайнида ер юзидаги ядро қурол-яроғларининг запаси 3,5 баравар ошган. Ядро қуролига эга бўлган мамлакатлар қаторига Хитой ҳам кирди. Пекин раҳбарлари ўз гегемонистик мақсадларига эришиш учун ракста-ядро потенциалини кучайтирмоқдалар. Шу сабабли жаҳон халқлари кескинликни юмшатиш, тинчлик ва халқаро ҳамкорлик учун, қуролланиш пойгасини жиловлаш, ёппасига ва батамом қуролсизланиш учун қатъий кураш олиб бормоқдалар. Улар Совет Иттифоқи, Варшава Шартномасида қатнашувчи бошқа давлатларнинг конструктив тинчликсеварлик таклифларини қўллаб-қувватламоқдалар. Бу таклифларни амалга ошириш учун, инсониятни ядро уруши хавфидан тамомила халос қилиш учун курашни кучайтириш — ер юзидаги барча тинчликсевар кучларнинг энг муҳим вазифасидир.

**Ф. ШОҲИСМОИЛОВ,**
**А. РЎЗИЕВ.**

## ЖАҲОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ ҚАТЪИЯТИ

### КОПЕНГАГЕНДАН ХАТ

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 1975 йилда хотин-қизларнинг ўн йиллигини эълон қилган эди. Шу муносабат билан Копенгагенда июль ойининг иккинчи ярмида чақирилган жаҳон конференциясининг иши «Тенглик, тараққиёт ва тинчлик» шиори остида ўтди. БМТга аъзо бўлган 130 дан зиёд давлат жаҳон жамоатчилигининг ана шу энг йирик анжуманига ўз вакилларини юборди. СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси В. В. Николаева-Терешкова совет хотин-қизлари делегациясига бошчилик қилди.

Хотин-қизларнинг Копенгагендаги жаҳон конференцияси билан бир вақтда ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотларнинг жамоат анжумани ҳам ўтказилди. Бу анжуман ишида жаҳоннинг кўпчилик мамлакатларидаги прогрессив халқаро ва миллий хотин-қизлар ташкилотларининг олти мингга яқин вакили, шу жумладан Совет Иттифоқи делегацияси қатнашди.

Копенгаген 70 йил муқаддам биринчи марта хотин-қизларнинг халқаро учрашув жойи бўлган эди. 1910 йилда Дания пойтахтида социалистик хотин-қизларнинг конференцияси бўлиб ўтди. Бу конференцияда Клара Цеткиннинг таклифига мувофиқ, халқаро хотин-қизлар куни—8 Мартни ҳар йили нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Ўша пайтдан буён жаҳонда кўп ўзгаришлар рўй берди. Планетамизда социалистик давлатлар вужудга келди. Бу давлатларда яшовчи хотин-қизлар эркаклар билан бир қаторда тенг ҳуқуқли бўлиб, иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида актив қатнашмоқдалар. Аммо капиталистик мамлакатларнинг вакиллари Копенгаген конференциясида таъкидлаб ўтганидек, буржуа жамияти хотин-қизларни аввалдагидек ҳозирда ҳам иккинчи даражадаги кишилар қаторига қўяди. Бу жамият расмиятчилик юзасидангина (лекин ҳамма жойда ҳам эмас) хотин-қизларнинг ҳуқуқий тенглигини тан олади, амалда эса уларни меҳнат қилиш, тенг ҳақ олиш, илм олиш ва ҳунар ўрганиш ҳуқуқларидан маҳрум этади. Энг йирик капиталистик мамлакат деб ҳисобланган, бутун жаҳонда инсон ҳуқуқлари учун «курашчи» ролини ўз зиммасига олган Қўшма Штатларда хотин-қизларнинг ҳуқуқий жиҳатдан тенг эканлиги, ҳатто конституцияда ҳам қайд этилмаган. АҚШнинг вакили конференцияда сўзлаган нутқида одамларни жинсига қараб камситишни тақиқлаш ҳақидаги тузатишни мамлакатнинг асосий қонунига киритишни тасдиқлаш йўлидаги ҳар қандай уринишлар ҳеч қандай натижа бермади, деб таъкидлади.

Халқаро демократик хотин-қизлар федерациясининг президенти Фрида Браун ТАСС мухбири билан суҳбатда худди шундай фикрни изҳор қилди. Ф. Браун Совет Иттифоқининг ташқи сиёсатига юксак баҳо берди. СССРнинг Марказий Европада қуролли кучлар ва қурол-яроғларни қисқартириш хусусида Венада олиб борилаётган музокараларда илгари сурган кейинги таклифлари, деб таъкидлади у, совет раҳбарлари тинчлик ва ўзаро ишончни мустаҳкамлаш учун Шарқ билан Ғарб ўртасида музокараларни давом эттиришга интилаётганлигини жуда яққол исбот қилади.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневнинг табриги расмий ҳужжат сифатида тарқатилди. Бу ҳужжат конференция қатнашчиларининг диққат-эътиборини ўзига жалб этди. Советлар мамлакати раҳбарининг табригида бу мамлакатнинг тинчликсевар ташқи сиёсий йўли ҳамиша халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш, турли ижтимоий-сиёсий тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаш принципларини қарор топтиришни кўзда тутганлиги таъкидлаб ўтилган.

**И. ЗАВАЛОВ,**
**ТАСС мухбири.**

## ...ЭНДИ ЭСА «БИЛЛИГЕЙТ»

Қўшма Штатлар халқаро луғатни «Биллигейт» деган янги сиёсий ибора билан «бойитди». Америка президентининг укаси — Билли Картер теварагида Вашингтонда авж олиб кетган сўнгги можарога бутун дунёда мана шундай ном беришди. Шу нарса жуда аниқ белгиландики, Б. Картер Вашингтон маъмуриятининг бошлиғи билан «қони бирлиги»дан фойдаланиб, шубҳали молиявий қаллобликлар билан шуғулланган, буни Ж. Картер ҳам билган.

Ўзининг вакили Р. Рейганни Оқ уйга киритиш учун зўр бериб курашаётган республикачилар партияси демократларнинг позициясига путур етказиши мумкин бўлган мана шу имкониятга жон жаҳди билан ёпишиб олди. Президент Ж. Картер Оқ уй учун «пойгада» демократларнинг вакили ҳисобланади. Республикачилар «Уотергейт» номи билан тарихга кирган ва Р. Никсоннинг президент лавозимидан шармандаларча ҳайдалишига олиб келган сиёсий фалокатдан ҳали батамом ўзларига келганлари йўқ. Республикачилар ҳозирги пайтда демократ-президентнинг укаси билан бўлган жанжални «Уотергейт» шармандали тамғасини сайловчиларнинг хотирасидан чиқариб ташлаш ва уни «Биллигейт» билан алмаштиришнинг «олтин» имконияти деб билмоқдалар.

Аммо капиталистик Америкада порахўрлик, қаллоблик, ҳокимиятни суиистеъмол қилиш ва хизмат мавқеидан ғаразли мақсадларда фойдаланиш каби ҳоллар аллақачон ҳукмдорларнинг турмуш тарзи бўлиб қолган. Шундай шароитларда оддий сайловчиларнинг ҳар иккала асосий буржуа партияларининг сафсатабозлигига муносабати ҳам мутлақо табиийдир. Улар «иккаласи ҳам бир-биридан баттар» демоқдалар. Жумладан, бу шунда ўз ифодасини топмоқдаки, жамоатчилик фикрини билиш мақсадида ўтказилган сўнгги савол-жавобларнинг кўрсатишича америкаликларнинг кўпчилиги амалда танлайдиган йўлимиз йўқ деб ҳисобламоқдалар: Ж. Картер ҳам, Р. Рейган ҳам уларга мақбул эмас.

Шундай бўлса ҳам «Биллигейт» жанжалининг кучайиб бораётганлиги ва республикачилар ундан моҳирлик билан фойдаланаётганликлари президент Ж. Картернинг обрўси тобора пасайиб кетишига олиб келмоқда. Эй-Би-Си телекомпаниясининг Луис Харрис хизмати билан биргаликда жамоатчилик фикрини билиш мақсадида ўтказган савол-жавоб маълумотларига кўра, америкаликларнинг 77 проценти президентнинг фаолиятига салбий баҳо бермоқда. Савол-жавобда қатнашган кишиларнинг 82 проценти Оқ уй ҳозирги хўжайинининг ташқи сиёсати ижобий баҳога сазовор эмас дейишди. «Картернинг обрўси, — деб таъкидлайди Эй-Би-Си, — ҳозир «Уотергейт» жанжали вақтидаги Никсоннинг обрўйига қараганда ҳам ҳатто пасайиб кетди».

Мана шуларнинг ҳаммаси Картернинг номзоди маъқулланмай қолиши учун реал имконият яратади. Картер дастлабки сайлов давомида демократлар бўлажак съезди делегатларидан кўпчилигининг қўллаб-қувватлашини таъминлаб олган эди. Демократик партияда съездни очиқ деб эълон қилиш учун ҳаракат авж олиб кетганлигининг боиси ҳам ана шунда. Съезднинг очиқ деб эълон қилиниши делегатларни Картер учун овоз бериш мажбуриятидан халос қилиш имконини беради. «Ўринбосар» номзодлар ҳам зўр бериб қидирилмоқда. Давлат секретари Э. Маски, сенатор Г. Жексон ва конгресс аъзоси М. Юдоллнинг номлари шулар жумласида тилга олинмоқда. Ана шуларнинг ҳаммаси АҚШда сайловолди сиёсий эҳтирослар яна ҳам кучайишидан далолат беради.

**Г. ШИШКИН,**
**(ТАСС).**

